

**O'ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR**

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**SOCIAL
SCIENCES
IN UZBEKISTAN**

1-2 / 2010



O'zbekiston
Fanlar akademiyasi

**O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi**

**Академия наук
Республики Узбекистан**

**Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY FANLAR

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

SOCIAL SCIENCES IN UZBEKISTAN

2010

№ 1 – 2

1957-yil may oyidan nashr qilinadi. Bir yilda 4 soni chiqadi.
Издается с мая 1957 г. Выходит по 4 номера в год

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
«FAN» NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2010

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана С.С. ГУЛЯМОВ (*главный редактор*), доктор философских наук К. НАЗАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана И.И. ИСКАНДЕРОВ, акад. АН Узбекистана А.Р. МУХАМЕДЖАНОВ, акад. АН Узбекистана Х.Р. РАХМАНКУЛОВ, акад. АН Узбекистана Э.В. РТВЕЛАДЗЕ, доктор исторических наук Б. АБДУХАЛИМОВ, доктор экономических наук А.М. КАДЫРОВ, доктор филологических наук Н. МАХМУДОВ, доктор исторических наук К.НОРМАТОВ, доктор юридических наук Р.Дж. РУЗИЕВ, доктор юридических наук А.Х. САИДОВ, доктор экономических наук Б.Ю. ХОДИЕВ, доктор исторических наук Д.Ю. ЮСУПОВА, Б.И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

*Адрес редакции: 100047, Ташкент, ул. Шахрисабзская, 5.
Телефон: 236-78-27*

© O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti, 2010-y.

Редакторы: Б.И. Кнопов, К. Норматов, Ю. Парпиева
Компьютерная верстка: Д.Джалилов

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации
Республики Узбекистан 22.12.2006 г.
Регистрационный номер № 0048.

Сдано в набор 10.05.2010. Подписано в печать 30.06.2010.
Формат 70x108 1/16. Гарнитура литературная.
Печать офсетная. Бумага офсетная.
Усл.-печ. л. 13,3. Уч.-изд. л. 11,8. Тираж 222.
Цена договорная.

Издательство «Фан» АН РУз. 100170,
Ташкент, ул. И.М. Муминова, 9.

Издание осуществлено в полном соответствии с предоставленным
Издательством «Фан» АН РУз оригинал-макетом
в типографии ООО «КО'НИ-NUR». Заказ № 174.
100068, Ташкент, массив Машинасозлар, 4.

ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАР

С.С.Ғуломов

ВАТАН РАВНАҚИ ВА ТИНЧЛИГИ ҲАМДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УСТУВОР МАҚСАДДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг қўшма ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида таъкидлаган баъзи фикрларини шарҳлаймиз.

Юртбошимиз томонидан давлатимиз тараққиётининг стратегик жиҳатлари бўлмиш – тинчлик, Ватан равнақидаги барқарорлик, халқ фаровонлиги – пировард мақсадимиз эканлиги Истиқлолнинг ilk давридан устувор вазифа қилиб белгиланган эди. «Ўзбек модели»да стратегик юксалишининг илмий-назарий, ҳуқуқий-тарихий кафолатлари ишлаб чиқилди, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг, ўзига хос, муносиб аъзосига айланмоқда!? Бироқ қарийб икки йилдирки, жаҳон аҳлини ташвишга солаётган молиявий-иқтисодий инқироз, унинг сабабу асоратлари ҳақида деярли ҳар кун ишитмоқдамиз. Оммавий ахборот воситаларида ушбу иқтисодий бўҳрон асосий мавзуга айланди. АҚШнинг ипотека тизимида рўй берган тангликдан бошланган иқтисодий таназзул кейинчалик йирик банклар ва молиявий тузилмаларни ўз домига тортиб кетди. Бу эса дунёнинг етакчи фонд бозорларида компаниялар акциялари баҳосининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Натижада ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, ишсизлик ва бошқа муаммолар юзага чиқди!?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим. Минтакамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу мукаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-бирдан масъулиятли вазифалар борки, юртимиз, жондан азиз фарзандларимизнинг бутунги ва эртанги кун иана шу масалаларни канчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

Шу ўринда мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қўшма мажлиси маърузасидаги «...биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ

этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»¹, – деган теран миллий-маънавий мулоҳазалари айнан мамлакатимиз равнақи, уни барқарор ривожлантиришдаги устувор вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда ҳар қандай молиявий-иқтисодий инқирозга зарба беришда, мезон бўлади, демоқчи эдим. Дарҳақиқат, Республикамизда 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бирламчи вазифа бўлиб, муҳим принципиал аҳамият касб этади. Жаҳон инқироzi билан боғлиқ рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, у дунё иқтисодиётига 9,4 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизини ташкил этади. Иқтисодий таназул оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлар АҚШда 3,5 триллион долларга етган, яъни бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25 фоизи демакдир. Шунингдек, Буюк Британия 1 триллион, Германия 893 миллиард, Япония 326 миллиард ҳамда Хитой 586 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сармояни айнан шу мақсадлар учун йўналтирган. Хўш, молиявий инқироз асоратлари нималарда намоён бўлди? Банклар барқарор фаолиятининг бузилиши туфайли эса товар алмашинуви кескин қисқарган. Давлатларнинг ташқи қарзлари кўпайган. Шу боис бугунги кунда дунё мамлакатлари молиявий инқирозни бартараф этиш борасида бир қатор дастурлар устида иш олиб бормоқда. Улардан бири янги пул жорий қилишдир. Буни Халқаро валюта жамғармасига аъзо давлатларнинг 85 фоизи розилик билдирсагина амалга ошириш мумкин. Бирок, 2009 йилнинг апрель ойида Лондонда «Катта йигирмалик» давлатлари саммитида бу муаммо анжуманнинг асосий масаласи сифатида муҳокама қилинмади. Халқаро ҳамжамятнинг эътирофича, саммитда инқирознинг чекинишига сабаб бўлувчи бошқа келишувларга эришилди. Жумладан, мазкур йиғилишда жаҳон иқтисодиётининг яна ўз изига тушиб кетишига ва инқироздан чиқишига оид бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Унда илк бор бўҳрондан чиқиш учун қанча миқдорда маблағ йўналтирилиши ҳам маълум этилди. Саммитда иштирок этган етакчи давлатлар раҳбарлари Халқаро валюта жамғармасига 750 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишди. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кўрилаётган чора-тадбирларнинг дунё миқёсидаги бир кўриниши!?

Таъкидлаш керакки, *жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири хусусида Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида батафсил тўхталиб ўтди.* Жумладан, асарда давлатимиз раҳбари молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодига таъсирини четлаб ўтишга муваффақ бўлган омиллар хусусида шундай дейди: «...Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, энг аввало,

¹ И с л о м К а р и м о в. Асосий вазифамиз – ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент, 2010. 22-бет.

«шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.

...Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади»¹.

Ўтган йили ҳам маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича машҳур беш тамойилни ўз ичига олган «ўзбек модели», давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, дейишимиз мумкин. Демак, 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур доирасида қабул қилинган ҳужжатларда мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароити-да иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди»², – деган фикрлари мамлакат иқтисодиёти истикболи учун аynи муддаодир. Зеро, бугунга келиб дунё ҳамжамиятининг етакчи экспертлари томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ўз танлаган йўли нечоғли тўғри эканлиги эътироф этилди. Уларнинг фикрича, инқироз бошқа давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатгани йўқ. Қолаверса, жаҳонда кузатилаётган шундай иқтисодий танглик даврида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди. Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қobiliяти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар

¹ И с л о м К а р и м о в. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009. 7,8-бетлар.

² И с л о м К а р и м о в. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 37-бет.

ошди. Жорий йилда ҳам барқарор ва бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилади.

Инвестиция дастури ва техник жиҳатдан модернизация килиш бўйича тармок дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бу айтиш чоғда жиддий фаолият ҳисобланади. «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилашни ҳам бўлмайди»¹, – деган Юртбошимизнинг кўрсатмалари жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорига чиқишнинг нуфузли реал мақсадли йўлидир. Истикболда, яъни 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

Жорий йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинади. Инвестиция дастури доирасида факат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банки» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айтиш вақтида яқка тартибда уй-жой қурувчиларнинг ўзлари ҳам 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда. Демак, мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Ўтган 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало, энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур. Мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари қўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади. Жорий йилда аҳолини турли шаклдаги қасаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолмоқда. Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп

¹ Ўша манба.

болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Инкирозга қарши чораларни амалга оширишда мамлакатимиздаги маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эгадир. Маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов ушбу маърузасида ўн йиллик нисбатни келтиради. Чунончи, «Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир»¹.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, асосий ва етакчи соҳаларни модернизация қилиш, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш лозим эди. 2010 йилда автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 540 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон миллий автомагистралли участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфрақурилиш негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, «Буюк ишак йўли»ни замонавий талаб даражасида қайта тиклаш, яъни аждод-авлодлар руҳини шод этиш, миллий кадриятларимизни эъзозлаш ва ардоқлашдан иборат бўлади.

Халқ фаровонлигини ошириш асносида тинч-тотув яшаш, Ватан равнақи учун Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган. Яъни, Юртбошимизнинг қатъий таъкидига кўра, «Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳақида гапирар эканмиз, эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти

¹ Ислон Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 42-бет.

учун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш — бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, шу залда ўтирган инсонлар, керак бўлса, бутун халқимизнинг фикрини ифода қилган бўламан.

2010 йилда ўз олдимизга қўётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин, буларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизнинг тараққий тошган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир»¹, — деган доно фикр-хулосалари ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг келажаги истиқболли бўлишига, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига ишончли қарашдир.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши алоҳида таъкидланди. 2009 йилда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ҳажми 2,3 баробар кўпайди, маҳсулотларнинг 120 тадан ортиқ янги тури ишлаб чиқаришда ўзлаштирилди.

Мамлакатимиздаги вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдида 2010 йилда мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш ва модернизациялашни давом эттириш ва чуқурлаштиришни таъминлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг таркибий ўзгартиришни янада чуқурлаштириш, стратегик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағларни фаол жалб этиш, банк-молия тизимининг устуворлигини янада юксалтиришга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатимиз раҳбари янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод” Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори (2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон)да ҳам Ватан раънақи, истиқболи, халқ фаровонлиги ёшларнинг актив фаолияти билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Албатта, шу ўринда кайд этиш лозимки, ижтимоий-гуманитар фанларнинг раънақ топишида миллий ғоя ва мафкура, умуман илм-фан ҳамда таълим интеграцияси муҳим роль ўйнайди. Дастурда баркамол ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг муҳим жиҳатлари эътироф этилади:

– илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– ёш олимларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмоний ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли

¹ И с л о м К а р и м о в. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 75–76-бетлар.

таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чоратadbирларни амалга ошириш”¹ назарда тутилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, жаҳондаги ривожланаётган давлатлар сафидан муносиб ўрин олишга барча имкониятлар борлиги – бунинг учун юрт тинчлиги, тараққиёт барқарорлиги ва халқ фаровонлиги ҳал қилувчи омил бўлиб қолади.

* * *

Ҳозирги пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўлами тобора кенгайиб, дунё мамлакатлари иқтисодиётига жиддий зарар етказмоқда. Бунинг 2009 йил натижалари ҳам кўрсатиб турибди: кўплаб давлатлар ўтган йилни жиддий зарар билан якунлади. Ана шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди – бу эса дунё ҳамжамиятининг қизиқишини янада оширди.

Халқаро иқтисодчилар ва таҳлилчилар тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни ўрганишга, Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишишга интилаётганлари шундан далолат беради. Шу йил 12 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция эса бунинг амалдаги ифодаси бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, ишбилармон ҳамда таҳлилчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узокни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислам Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзuidaги маърузаларида келтирилган қоида ҳамда хулосалар ҳам бунинг яққол тасдиқлашини алоҳида таъкидладилар. Миллий иқтисодиётимиз, унинг барча молия институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлаши учун зарур захира яратилгани, бу янада изчил ривожланиш учун салоҳиятни ошириш, мустаҳкам пойдевор яратишда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Конференцияда таъкидландики, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари

¹ Халқ сўзи. 2010 йил. 28 январь.

томонидан кенг эътироф этилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислохотлар сиёсатининг мантикий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ушбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан санокли давлатлар талафотсиз чиқишга муваффақ бўлди. Улар орасида Ўзбекистон борлигидан гурурланамиз. Дунё иқтисодчилари бунини ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилган дастурлар самараси сифатида баҳолашмоқда. Мамлакатимиз ишончли ҳамкор эканлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён қилди. Хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга сармоя киритиш ҳажми йил сайин ошиб бораётганининг боиси шунда. Ўтган йили жалб этилган хориж инвестицияси ҳажми 68 фоиз ошган. Унинг замирида мамлакатимизда чет эллик ишбилармонлар учун муносиб шарт-шароитлар, қулай инвестициявий муҳит яратилгани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Конференцияда ўзбекистонлик мутахассислар томонидан тақдим этилган инкироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Чунки унда иқтисодиётнинг барча тармоқлари қамраб олинган бўлиб, бу тармоқларни юксалтириш учун муайян чора-тадбирлар мукамал ишлаб чиқилган.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси Тошкентнинг «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида шу йил 3 майда бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари, мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда кредит портфели ҳажми бўйича Марказий Осиёда минтакавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Президент Ислам Каримов ва Ўзбекистон халқига ОТБнинг мазкур форуми – банк Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган мажлисини ташкил этишда кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди.

1996 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. 67 давлат, жумладан Осиё-Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг sanoati ривожланган қатор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтакавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник қўмак бериш билан бирга, аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. ОТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз

1995 йилдан буён ушбу йирик халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш томоилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб кенг эътироф этилган ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш самараси ўлароқ, Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

2009 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиб келди. 2010 йил 10-11 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 10-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди ҳамда келгуси истиқболлари белгилаб олинди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мувофиқликни сақлаган ҳолда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Бу анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини, ташкилот ва унинг тузулмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди. Тошкентда ШХТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида имзоланган қўшма декларация ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Контртеррористик қўмитаси ўртасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришга йўл очади. Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатларнинг 2020 йилгача мўлжалланган кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Саммитда имзоланган ҳужжатлар – ШХТни ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш йўлидаги янги қадамдир. Ўзбекистон раислиги даврида қўйилган барча вазифалар тўла бажарилди. Шу жиҳати билан ШХТнинг Тошкент саммити Тошкент тарихидаги унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизликни ривожлантириш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин тутади.

МУНДАРИЖА

2010 йил – Баркамол авлод йили.....	3
-------------------------------------	---

Долзарб муаммолар

С.С. Ғуломов. Ватан равнаки ва тинчлиги ҳамда халқ фаровонлиги устувор мақсаддир.....	4
Т.Ғ. Хайруллаева. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини давлат томонидан мувофиқлаштириш масалаларига доир	12
Н. Қувватов. Ўтиш даврида «ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари.....	17
А.М. Қодиров, А.Т. Аҳмедиева, Н.Р. Алимова. Инновацион тараққиёт стратегияси ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигига таъсири.....	24
Р.Р. Назарова. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестиция фаолияти тараққиёти муаммосига доир	30
Н.М. Юсупова. Минтақаларда инвестиция сиёсати ва инновацион стратегия	33
Н.А. Садуллина. Мева-сабзавот мажмуини шакллантириш ва тартибга солишнинг логистик концепцияси	41
С.А. Воронин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида маҳсулотлар таннаркини тушириш резервлари.....	47
Ҳ.О. Раҳмонов. Фуқаролик жамиятида тадбиркорлар фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари	53
З.Н. Тожиёва. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ижтимоий-демографик масалалари	56
У.С. Муҳитдинова. Иқтисодий муносабатлар модернизацияси ва мева-сабзавот бозори самарадорлигини ошириш	60
Н.О. Қайумова. Билимлар иқтисодиётини шакллантириш – барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида	66
Қ. Турсунов. Ўзбекистон–Германия: муносабатларнинг ҳозирги босқичи... ..	71

Мунозара минбари

Р.М. Сеитова. Жиноят ҳукукида градуал оппозиция.....	77
--	----

Фан янгиликлари: изланишлар, топилмалар, кашфиётлар

Э.В. Ртвеладзе. Буюк Ҳинд йўли: Ҳиндистон – Ўрта Осиё – Кавказorti.....	81
---	----

Илмий ахборот

Э.К. Файзиев. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларининг тараққиёти муаммосига доир	88
В. Имомов. Давлат дастури ва унинг ёшларни иш билан бандлигини оширишдаги аҳамияти	91
А.М. Абдуллаев. Маъмурий тўсиқлар ва уларнинг тадбиркорлик институти ривожланишига таъсири	93
О.Р. Парпиев, Д.Ҳ. Убайдуллаев. Экспертиза – инновацион жараёнларни жорий қилишда таваккалчиликни камайтириш омили сифатида	96
С. Арипов, А. Шодмонқулов. Божхона тизимида кадрлар тайёрлашнинг баъзи муаммолари.....	102
Д.М. Охунов. Компаниянинг корпоратив сайти: имкониятлари ва мақсадлари....	105

Ш.О. Э ш о н о в а. Мустанлака Туркистонда қозилар ва бийлар судлари ҳолати.....	107
А. М а д р а и м о в. З.В. Тўғоннинг «Эсдаликлар»ида Темурийлар даври маданияти.....	113

Тарихшунослик

Ш. И. А с а д о в а. Ҳозирги Ўзбекистон тарихи фанининг баъзи методологик асослари тўғрисида	119
---	-----

Хабарлар

К. Н о р м а т о в. Фанлар академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар комплексининг йиллик йиғилишидан	128
С. Ғ у л о м о в. Инновацион ғоялар, технология ва лойиҳалар бўйича учинчи Республика кўргазмаси	131
К.Х. Х о н а з а р о в. “Тил, маданият, жамият” бешинчи халқаро конференция..	132

Янги китоблар

О.З. М у х а м е д ж а н о в. П.А.Маҳкамбоев. Ўзбекистон Республикаси чегара хавфсизлигининг халқаро-ҳуқуқий муаммолари	135
Г.Г. Н а з а р о в а. Н.Зуфарова. Савдо сиёсатини модернизациялаштириш ва ташқи савдо фаолиятининг давлат бошқаруви	136
А. Ж ў р а е в. Ф.О.Базаров. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликка солиқ солиш тизимини такомиллаштириш	138
И. И в а т о в. А.З.Азимов. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеллектуал салоҳиятга асосланган иқтисодий ривожланиш стратегияси	139
Г.Н. Н и к и т е н к о. Эдвард Ртвеладзе. Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши	140
Қутловлар.....	142
Журналнинг 2009 йил мундарижаси	143

СОДЕРЖАНИЕ

2010 год – Год гармонично развитого поколения.....	3
--	---

Актуальные проблемы

С.С.Г у л я м о в. Процветание Родины, ее мир, и благополучие народа – наша главная цель.....	4
Т.Г.Х а й р у л л а е в а. К вопросу государственного регулирования социально- экономического развития Республики Узбекистан	12
Н.К у в в а т о в. Особенности «узбекской модели» в переходный период.....	17
А.М.К а д ы р о в, А.Т.А х м е д и е в а, Н.Р.А л и м о в а. Стратегия инновационного развития и его влияние на конкурентоспособность экономики Узбекистана	24
Р.Р.Н а з а р о в а. К проблеме развития инновационной деятельности в экономике Узбекистана	30
Н.М.Ю с у п о в а. Инвестиционная политика в регионах и инновационная стратегия	33
Н.А с а д у л л и н а. Логистическая концепция формирования и регулирования плодоовощного комплекса.....	41
С.А.В о р о н и н. Резервы снижения себестоимости продукции в условиях мирового финансово-экономического кризиса	47
Х.О.Р а х м о н о в. Правовые аспекты повышения активности предпринимателей в гражданском обществе.....	53
З.Н.Т а д ж и е в а. Социально-демографические вопросы реализации экономических реформ в Узбекистане	56
У.С.М у х и т д и н о в а. Модернизация экономических отношений и повышение эффективности плодоовощного рынка.....	60
Н.О.К а ю м о в а. Формирование экономики знаний как фактор стабильного экономического развития.....	66
К.Т.У р с у н о в. Узбекистан–Германия: современный этап отношений.....	71

Дискуссионная трибуна

Р.М.С е и т о в а. Градуальная оппозиция в уголовном праве.....	77
---	----

Новое в науке: поиски, находки, открытия

Э.В.Р т в е л а д з е. Великий Индийский Путь: Индия – Средняя Азия – Закавказье. 81
--

Научные сообщения

Э.К.Ф а й з и е в. К проблеме развития сферы информационно-коммуникационных технологий Узбекистана	88
В.И м о м о в. Государственная программа и ее значение в повышении трудовой занятости молодежи	91
А.М.А б д у л л а е в. Административные барьеры и их влияние на развитие института предпринимательства.....	93
О.Р.П а р п и е в, Д.Х.У б а й д у л л а е в. Экспертиза как инструмент снижения рисков реализации инновационных процессов	96
С.А р и п о в, Ш.Ш а д м о н к у л о в. Некоторые проблемы подготовки кадров для таможенной системы.....	102
Д.М.О х у н о в. Корпоративный сайт компании: возможности и цели	105

Ш.О.Эшонов. Положение казийских и бийских судов в колониальном Туркестане.....	107
А.Мадраимов. Культура эпохи Темуридов в «Мемуарах» З.В.Тогана.....	113

Историография

Ш.И.Асодова. О некоторых методологических основах современной исторической науки Узбекистана.....	119
---	-----

Хроника

К.Норматов. Годичное собрание Комплекса общественно-гуманитарных дисциплин Академии наук	128
С.Гулямов. Третья Республиканская ярмарка инновационных идей, технологий и проектов.....	131
К.Х.Ханазаров. Пятая Международная научная конференция «Язык, культура, общество».....	132

Новые книги

О.З.Мухамеджанов. П.А.Маккамбаев. Международно-правовые проблемы пограничной безопасности Республики Узбекистан	135
Г.Г.Назарова. Н.Зуфарова. Модернизация торговой политики и государственное регулирование внешнеторговой деятельности.....	136
А.Жураев. Ф.О.Базаров. Совершенствование системы налогообложения предпринимательства в условиях либерализации экономики	138
И.И.Иватов. А.Э.Азимов. Стратегия экономического развития стран Европейского Союза, основанная на интеллектуальном потенциале	139
Г.Н.Никитенко. Эдвард Ртвеладзе. Историческое прошлое Узбекистана.....	140
Поздравления.....	142
Содержание журнала за 2009 год	143

CONTENTS

The Year 2010 Is Announced the Year of Harmoniously Developed Generation	3
--	---

Topical problems

S.S.G u l y a m o v. Well-Being of the Native Country, Her Peaceful Life, and Welfare of People as Our Primary Goal	4
T.G.K h a y r u l l a e v a. On Questions of State Regulation of Social and Economic Development of the Republic of Uzbekistan	12
N.K u v v a t o v. Distinctive Features of the «Uzbek Model» in the Transition Period	17
A.M.K a d y r o v, A.T.A k h m e d i e v a, N.R.A l i m o v a. Strategy of Innovational Development and Its Influence on Competitiveness of Economy of Uzbekistan	24
R.R.N a z a r o v a. On the Problem of Expanding Innovational Activity in Economy of Uzbekistan	30
N.M.Y u s u p o v a. The Investment Policy in the Regions and Innovational Strategy	33
N.A s a d u l l i n a. The Logistical-Type Concept of Formation and Regulation of the Fruit-and-Vegetable Complex	41
S.A.V o r o n i n. Reserves for Reduction of Cost Prices of Production in Conditions of the World Financial and Economic Crisis	47
Kh.O.R a k h m a n o v. Legal Aspects of Increasing the Activity of Businessmen in the Civil Society	53
Z.N.T o d z h i e v a. Social-and-Demographic Questions of Realization of Economic Reforms in Uzbekistan	56
U.S.M u k h i t d i n o v a. Modernization of Economic Relations and Increasing the Efficiency of the Fruit-and-Vegetable Market	60
N.O.K a y u m o v a. Forming Knowledge of Economy as the Factor of Stable Economic Development	66
K.T u r s u n o v. Uzbekistan -- Germany: the Present-Day Stage of Relations	71

Debatable Tribune

R.M.S e i t o v a. Gradual Opposition in Criminal Law	77
---	----

New Events in Science: Research, Findings and Discoveries

E.V.R t v e l a d z e. A Great Indian Way: India -- Central Asia -- Transcaucasia	81
---	----

Scientific Presentations

E.K.F a y z i e v. On the Problem of Development of the Sphere of Information-and-Communication Technologies of Uzbekistan	88
V.I m o m o v. The State Program and Its Importance in Increasing the Employment of Young People	91
A.M.A b d u l l a e v. Administrative Barriers and How They Influence on the Development of the Institute of Entrepreneurship	93
O.R.P a r p i e v, D.Kh.U b a y d u l l a e v. Expertise as the Tool for Decreasing the Risks of Realization of Innovational Processes	96
S.A r i p o v, A.S h a d m o n k u l o v. Some Problems of Professional Training of Personnel for the System of Customs Agencies	102
D.M.O k h u n o v. A Corporate Site of the Company: Opportunities and Purposes	105
Sh.O.E s h o n o v a. Position of Qazis' and Biys' Courts in Colonial Turkestan	107
A.M a d r a i m o v. Culture of the Temurid Epoch in Z.V.Togan's «Memoirs»	113

Historiography

Sh.I.A s a d o v a. On Some Methodological Fundamentals of the Modern Historical Science of Uzbekistan	119
--	-----

Chronicle

K.N o r m a t o v. The Annual Meeting of the Complex of Social- Humanitarian Disciplines of the Academy of Sciences	128
S.G u l y a m o v. The Third Republican Fair of Innovation Ideas, Projects and Technologies.....	131
K.Kh.K h a n a z a r o v. The Fifth International Conference «Language, Culture, and Society»	132

New Books

O.Z.M u k h a m m e d z h a n o v. P.A.Makkambaev. The International-Legal Problems of Borderline Safety of the Republic of Uzbekistan	135
G.G.N a z a r o v a. N.Zufarova. Modernization of the Commercial Policy and State Regulation of the Foreign Trade Activity	136
A. Z h u r a e v. F.O.Bazarov. Improvement of the Taxation System for Entrepreneurship in Conditions of Liberalization of Economy	138
I.I v a t o v. A.Z.Azimov. The Strategy of Economic Development of the European Union Countries Based on the Intellectual Potential.	139
G.N.N I k i t e n k o. Edvard Rtveladze. The Historical Past of Uzbekistan	140
Congratulations	142
Contents of the Magazine for 2009 Year	143